



Абадий асарларлар халк оммасига катта таъсир ўтказиши ҳаммага маълум. Уларнинг асосий вазифаси-инсонларнинг маънавий дунёсини бойитишдан иборат. Дарҳақиқат, адабиёт кишиларга юксак инсоний кадриятлар, ахлоқ-одоб, яхши сифатларни шакллантириши, борларини ривожлантириши каби эзгу ният ва ишларга хизмат килмоги даркор. Исломий адабиёт айнан ана шу максадларга хизмат қилиши ила бошқаларидан яққол ажралиб туради. Аммо, ҳамма соҳаларда бузгунчилик бўлганидек, баъзи инсонлар адабиётдан мазкур олий кадриятларга эришиш йўлида эмас, балки одобсизлик, фахш ишлар, дахрийлик ва ҳақозоларга фойдаланишга уриниб, бузгунчилик қилганлар ва қилмоқдалар.

Мусулмон дунёси ўзининг буюк шоирлари билан ҳам машхурдир. Одатда, мазкур шоирлар ўзларининг юксак маънавий асарлари билан донг таратганлар. Дунёда мусулмон шоирлар хақида сўз кетганда, пурҳикмат, инсонни юксак ахлоқий ва маънавий чўккиларга чорловчи шерий асарлар хақида сўз кетишини ҳамма тушуниб қолган.

Аммо, баъзи ҳолларда адабий дунёда исломий адабиёт хақидаги тасаввур бузилди. Ҳамма Умар Хайём рубойилар, деб аталмиш шеърӣ асарлар хақида кенг миқёсда гапира бошлади. У рубойилар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ҳамма жойларда ўқила бошланди. У рубойиларга машхур бастакорлар қуй басталаб, хонандалар қўшиқ қилиб айтишди. Мазкур рубойиларнинг одамларнинг ўзига ром қилишининг асосий сабаби, улардаги майхўрликнинг мадх этиш ва унга даъват қилиш, ҳаётлик чоғида маза қилиб, иложи борича лаззатлардан баҳраманд бўлиш, бу борада

хеч кимга, хеч нарсага эътибор бермаслик каби нарсалар эди. Шу билан бирга, бу рубойиларда куфр, дахрийлик ва бир канча бузук мазхаблар мафкураси ҳам ўз ўрнини олган эди. Мазкур мафкурага берилган ва айшу-ишрат, майхўрликка мойил кишилар Умар Хайёмдек катта устоз топганларидан хурсанд бўлиб, унинг шухратини ўз мақсадлари йўлида ишлатишар эдилар. Бу беодобликка каршилар эса Умар Хайёмни кофир, дахрий, ботиний, шариатини оёк ости килувчи, деб фатво чикаришарди. Учинчи бир тоифа эса, Умар Хайёмдек одам бунчаликка бормайди, у сўфийлик мазхабида экан, ёзган шеърлари рамзий, бунини тушиниш учун алохида таёргарлик керак, дейишарди. Аммо бу фикрга хеч ким эътибор бермас, хамма Ислом дини белгилаган чегарадан чиккан шоир топиб олганидан хурсанд бўлиб, уни кўқларга кўтариб макташ билан бирга, Умар Хайём рубойиёти деб номланган асарларни кенг таркатишга, улардаги чакирикларга амал килишга ошикарди. Шу билан бирга, исломий одоб-ахлоқ доиралари парчаланиб борар эди. Бу рубойиёт, эски Совет империясига ҳам кенг таргиб килинди. Кайта-кайта чоп этилди. Чунки, бу жамият дунёдаги энг арокхўр жамият эди. Рубойилардаги майхўрлик мавзуси уларга жуда ёкарди. Шундай килиб, арокхўр жамиятнинг, энг арокхўр шоирлари Умар Хайём рубойиёти, деб аталмиш асарларни турли тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима килишди. Хеч ким бу рубойилар хакида жиддий ўйламас, илмий асосда бахс килишни хаёлига ҳам келтирмас эди.

Аммо, вақти етиб ана шундай инсон ҳам топилди. Бу инсон бизнинг улуг ватандошимиз, Аллома Абу Наср Мубашшир Тарозий эдилар. У киши биринчи бўлиб бу рубойиёт Умар Хайёмники эмас, балки бошқалар томонидан тўкилиб, у кишига нисбатан берилган, деб чикдилар ва бу фикрни **“Кашфул лисон ар рубойият Умарул Хайём”** яъни, “Умар Хайём рубойиларидан пардани очиш” номли араб тилида ёзилган китобларида илмий асосда баён килиб бердилар.

Аллома Тарозий бу китобини 1375 хижрий сана 13 жумадус сони-1956 мелодий сана 26 январ, пайшанба кунида ёзиб битирганлар.

У киши Умар Хайём хакида, аввал айтилган фикрларга эътибор бермай, унинг хаёти ва фаолиятини аввал бошдан, асосий ва хакикий манбалардан ўрганиб чикиб, Умар Хайёмни машхур килган рубойилар уники эмаслигини исбот килганлар.

Абул Фатх Гиёсиддин Умар ибн Иброхим Хайём Нийсабурий билан хамаср, хамдарс бўлган ва ундан кейин яшаган барча тарихчи ва олимларнинг, жумладан, унинг шогирди Абу Хасан Ахмад ибн Умар ибн Али ан-Низомий ал-Арузий Самаркандий ўзининг “Чор макола”, Шамсуддин Мухаммад ибн Махмуд Шахрзурий “Назхатул арвох ва равзатул афрех” асарида, Захриддин Байхакий “Хуқомул Ислом” китобида ёзиб колдиришларича, у кишининг такво билан яшаб, окибати яхши хаёт ўтказганлари, улуг ва мўътабар бир инсон эканлиги таъкидлаган. Умар Хайём катта илм эгаси, фалакиёт, риёзиёт, тиб каби илмларда ўз замонасининг пешкадами бўлган. Машхур инглиз тарихчиси Гибон ва немис олими Карл Брокелманлар Умар Хайём тузган таквим-календар хозирги амалдаги Георгий календаридан афзал эканини тан олишган. Шунингдек, бошка илмларда ҳам Умар Хайём нодир асарлар яратган.

“Кашфул лисон” китоби муалифии Аллома Тарозий хазратлари юкорида зикр этилган далилларни ўз китобларида аник хужжатлар билан исботлаб келтирадилар. У киши шу билан бирга Умар Хайём хаёти ва ижоди хакида маълумот берган, унга асрдош кейинги вақтда яшаган олимлардан бирортаси унинг шоир бўлганлиги, рубойилар ёзганини зикр қилишмаганини ҳам, мазкур номаълум рубоиёт Умар Хайёмники эмаслигига далил этиб келтирадилар. Аллома Тарозийнинг фикрича, Умар Хайём бўш вақтларида кўнгил ёзиш учун шеър машқ қилиб кўрган бўлиши мумкин, лекин асосий иши шоирлик бўлмаган.

Тарозий хазратлари мазкур рубоиёт Умар Хайёмники эмаслигига яна бошқа далиллар келтирадилар. Умар Хайём ўз даврларининг энг машхур кишиларидан бўлган, подшоҳлар, амирлар, уламолар, фузалолар билан доимо бирга бўлган, агар унга нисбатан берилаётган рубойиларга ўхшаш бирор нарса ёзган бўлса, дархол ҳаммага машхур бўларди. Исломига гайратли кишилар эса, буни эътиборсиз қолдирмасдан, раддия берар эдилар. Холбуки, Арузий Самаркандий, Алломаий Замахшарий, Кози Насавий, Имом Абу Хасан ал-Газзолий ва хусусан, Хужжатул Исломи Имом Абу Хомид Газзолий каби кишилар Исломига футур етказадиган ҳар бир фикрни каттиқ танқид остига олишлари билан машхурлар. Улар Умар Хайём билан бирга яшаб, муносабатда бўлганлар ва у киши хакида фақат яхши гапларни айтганлар.

Аллома Тарозий хазратлари Умар Хайёмнинг поклигини, рубоиёт унга нисбатан тухмат эканлигини исботлаш учун яна бир кучли далил келтирадилар. Умар Хайёмнинг хақиқий фикри, фалсафаси ва айтган гапларини ишончли манбалардан келтириб, улар рубойиларда келган фикрга тамомила зид, балки соф исломий фикрлар эканини исбот қиладилар.

Табиийки, “ундай бўлса, қандай қилиб Умар Хайём шоир сифатида танилиб, рубоиёти бутун дунёга машхур бўлиб кетган?” деган савол пайдо бўлади. Бу саволга Аллома Тарозий ўз китобларида жавоб берадилар. У кишининг ёзишларича, Умар Хайём хакида биринчи бўлиб инглиз олими, Оксфорд дорулфунунининг устози Томас Гайд 1700 мелодий сана кейинрок Фон Гомер Биргестел ва Меме Николослар ёзадилар.

1856 мелодий санада инглиз шоири Эдвард Витз Гералд етмишта рубойини таржима этиб, нашр қилинганидан сўнг, бир канча омилар сабабли, ҳаммага машхур бўлиб кетди. Гералд бу таржима хакида ўз устози Говлга ёзган мактубида, “мен бу рубойиларни ўз аслидек тажрима қилмадим, баъзи жузиётларини саклаб қолган ҳолда, бир-бирига аралаштириб ўзгартирдим”, деб такидлаганини ҳам Аллома Тарозий келтирдилар. Бу таржимага гарбда шундай аҳамият берилди-ки, у барча юртларда қайта-қайта чоп этилди. У рубоиётнинг асли деб қабул қилинди. Сўнгра араб, урду, турк ва бошқа шарқ тилларига ҳам инглизчадан таржима қилинди.

Гарбда “Умар Хайём кулблари” тузилди. Рубоий ўкиб, май ичиш йўлга кўйилди. Таржимон Гералд вафот этганида, Умар Хайём кабри устида ўсаётган гулдан кўчириб бориб, унинг кабрига экишди ва кабр тошига миннатдорчилик сўзлари ёзишди. Гарбнинг шаркдаги думлари бу борада ўз устозларидан ҳам ўтиб кетишди. Рубойлар-динсизлик, арокхўрлик, фахш ишлар шиори бўлиб колди.

“Кашфул лисом” китоби муаллифининг таъкидлашича, бу одамларни, хусусан, мусулмон ёшларни Исломдан узоклаштириш учун гарбда ўйлаб чиқилган ўйин эди. Агар гарбликлар хакикатда, бегараз равишда шарк шеърияти билан кизикмокчи эканлар, нима учун Фирдавсий, Фариддин Аттор, Хофиз Шерозий ва бошка шарк-форс адабиётининг улуг намоёндалари ижоди билан кизикмадилар. Айнан, аслининг тайини йўк рубойиларни топиб, Умар Хайёмдек мўътабар инсонга нисбат бериб, сўнгра уни ташвикот киладилар. Умар Хайём уларга нима учун керак бўлиб колди?

Маълумки, гарблик шаркшунослар Исломга зарба бериш учун хар бир кулай фурсатдан унумли фойдаланиб келадилар. Улар Умар Хайёмдек аник фанларнинг улуг вакили, ўзи мусулмон саналса ҳам, Исломга унинг акийдаларига карши чиккан, дейиш учун шундай килганлар. Оддий одамларга ўхшаш кўр-кўрона эътикод килмагани учун, илм сохиби бўлганидан шундай килган, деб кишиларни ишонтаришга уринганлар ҳамда Исломга илмсиз, бесавод кишиларгина ишонади, деган фикрни шу йўл билан олга суришган. Шунинг учун ҳам Хайёмни улуг олим дейишгану, илмий асарларини чоп этмасдан, унга ёлгондан нисбат берилган рубойиларни эса ривожлантирганлар, хатто билим юртларида дарслик килиб ўтишган. Бу ҳам Исломга карши курашнинг энг маккарона услубларидан бири эканлигини кўриб турибмиз. “Гарбликлар мазкур рубойиларни каердан олишди?” деган саволга жавоб тарикасида Аллома Тарозий кўплаб маълумотларни келтирадилар. Аввало, рубойиларнинг сони хакида аник бир фикр йўклигини айтиб, уларни ўн битта дегандан тортиб, то минг икки юз ва ундан ҳам кўп, деган сўзларни бир-бир келтирадилар.

Сўнгра Умар ибн Иброхим Нийсабурийга замондош ва у кишининг хаёти хакида маълумот тўплаган олимларнинг асарларидан иктибослар келтириб, Умар Хайём аслида Умар Хаёмий эканлиги, Хайём эса, Алоуддин Али ибн Мухаммад ибн Ахмад ибн Халоф ал-Хуросоний номли форс шоирининг лакаби эканлигини таъкидлайдилар. Худди шу жойда алмаштириш бўлган бўлса керак, дейдилар. Умар Хайём ўз даврида ботинийларга карши каттик кураш олиб борган хукмдор Низомул мулкнинг якин дўсти эди. Ушбу эътибордан ботинийлар ундан ўч олиш максасида турли рубойиларни ёзиб, Умар Нийсабурийга нисбат берган бўлишлари мумкин, дейдилар.

Бу фикрнинг далили сифатида, рубойиларнинг энг кадимий кўлёмасини нашр килаётганларнинг ўзлари тан олишларича, Умар Хайёмнинг вафотидан сўнг уч юз эллик йил кейин ёзилган эканини эслатиб ўтадилар.

Демак, гарблик шаркшунослар, сиёсатнинг ажралмас бир кисми сифатида маданий мустамлака бобида, аслининг тайини йўк рубойиларни олиб, Умар Хайёмга нисбат бериб кишиларни Исломдан узоклаштириш, фиску фасодга бошлашга уринганлар. Хозирги

кунда Британия кутбхонаси музейида Гералд таржимасини 153 хил чоппасидан нусхалар кўйилгани ҳам уларнинг бу ишга канчалик ахамият берганларини кўрсатиб турибди.

Ана шундай бир пайтда Аллома Тарозий хазратлари “Кашфул лисом ар рубойият Умарул Хайём” китобини ёзиб чиқишлари ўша даврдаги жамоатчилик фикри, олим ва шоирлар, тарихчилар, шаркшунослар қолаверса, маданий мустамлакачилик сиёсатига қарши катта инкилоб эди. Муаллифнинг ўғиллари доктор Абдуллох Мубашшир Тарозийнинг айтишларича, оталари бу китобни ёзишдан олдин Кохирадаги илмий анжуманлардан бирида худди шу мавзуда маъруза қилганлар. У киши гапларини тугатганда, ҳамма жим тураверган. Чунки, маърузачини қўллаш десалар, у хозиргача бўлган гапларга бутунлай тесқари гапларни айтди. Танқид қилаш десалар, ҳужжатлари шунчалик қучлики, унга қарши оғиз очиб бўлмайди. Фақат бошқа ерда қилинган иккинчи маърузадан кейингина, Аллома Тарозийни қўллаш бошладилар ва у кишидан бу борада китоб таълиф қилишини илтимос қилишган.

Аллома Тарозий китобларининг нашр этилиши Исломи олами маданий ҳаётида катта воқеага айланди. Қўпчилик у кишини қўллаш китоблар, мақолалар ёздилар. Эронлик машҳур адабий танқидчи олим Али Даштий, Устоз Саид ал-Омудий, Устоз Анвар Жундий, Устоз Абдуллатиф ал-Жавҳарий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Баъзи олимлар Аллома Тарозийнинг “Кашфул лисом ар рубойият Умарул Хайём” китобини янги асрдаги исломий уйғонишга сабаб бўлган ўттиз китобнинг бири, деб ҳисоблайдилар.

Илмий тажрибалар ҳам Аллома Тарозийни қўллаш қилди. Кохирада чиқадиган “ал-Аҳром” рўзномаси ўзининг 1978 й. 6 декабр сониди: “Лондондаги Умар Хайём рубойиёти қўлёзмаси сохта экан” деган хабар босиб қилди. Хабарда қуйидагилар баён қилинади: “Илмий текширишлар Лондондаги Кембридж дорулфунунида сақланаётган Умар Хайём рубойиёти дейилган қўлёзмалар сохта эканлигини исботлади. Бу қўлёзмалар 1200 м. санада ёзилган, деб эълон қилинар эди. У қўп йиллардан бери илмий изланишларга асос ҳисобланарди. Энди эса, фақат юз йил аввал ёзилганлиги маълум бўлди. Кембридж дорулфунуни бу қўлёзмаларни уларни Эрондан топган марҳум устоз Артур Арбортисдан сотиб олган эди”.

Эҳтимол, ушбу илмий текшириш ва эълонга ҳам Аллома Тарозийнинг китоблари сабаб бўлгандир. Шу жойда “хар бир нарсада аниқлик бўлишини даъво қиладиган гарблиқлар, ушбу рубойиётни нашр қилиб, шов-шув қўтаришдан олдин текширишса бўлмасмиди?” деган савол пайдо бўлар. Йўқ. Улар аниқлик ҳам фақат ўз фойдаларига бўлишини хошлайдилар.

Жуковский бошлиқ рус шаркшунослари, кейинроқ совет шаркшунослари, шоирлари ҳам ушбу ёлгонга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Лекин ёлгон фош бўлганидан кейин, ўз одатларича, уни эътироф этганлари, халққа ҳақиқатни етказганлари йўқ. Шунингдек, Туркистонда, хусусан, Ўзбекистонда ҳам қайта-қайта, рангли безаклар билан чоп этилган, қўшиқ қилиб қуйланган бу ёлгон рубойилар учун халқдан узр сўраш, унга

хакикатни етказиш вақти келмадимикан? Илм омонат нарса, унга хиёнат килмаслик зарур.

Ушбу маколада зикр этилган илмий бахсинг сохиби Аллома Тарозий, араб, форс, турк тилларини яхши билган, олим инсон бизнинг улуг ватандошимиз эканликлари билан фахрланишимиз билан бирга, у киши очган хакикатни инсонларга етказиш ҳам керак, деб ўйлайман.

*илова (савол-жавоб)*

*...Бизда ва Эронда Умар Хаёмники, деб талкин килиб келинган куйидаги рубойлар Умар Хаёмники эмас деб талкин килинаётган рубойлар тўпламида борми ёки йўқми? Йўқ бўлса, унда аник бу рубойлар уники бўлиб чиқади ва агар бор бўлса, унда рубойларга нисбатан берилаётган таснифни ўзгартиришга тўғри келади - сабаб: бу рубойлар асло муаллифнинг обрўсини тўкмайди. Чунки бирор бир инсонни бадном килиш ва обрўсини тўкиш учун унинг номидан ёмон асарлар, газаллар, рубойлар ва шеърлар ёзиш лозимдир. Энди мисолларга келайлик:*

**Май ичсам эгилиб қолади тиззам,  
Ўйласам гуноҳ эмаску, саждаку бу хам.  
Азалдан биларди буни ўзи хак,  
Шаккоклик эмасми агар ичмасам?**  
*Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)*

*Маъноси: Илму маърифат йўли огирлигидан тиззам эгилиб қолади. Уйласам бу хам ибодатни бир куринишику, илм олмок фарз эканлигини азалдан хак таоло билар эди ва агар илмга маърифатга интилмасам шакоклик эмасми...*

**Хурматли Шайх жаноблари!**

*Сизнинг «Зикр ахлидан суранг» деб номланган китобчангизни ўқиб, Умар Хаём рубойилари мавзуси юзасидан менда савол тугилди. Чунки унда билдирилган баъзи фикрларга мен асло кўшила олмас эдим. Шунинг учун ўз фикримни билдириб, ушбу мавзу юзасидан савол билан мурожаат килмоқдаман. Энди мавзуга кайтсак. Менинг саволим аввалам бор ушбу рубойлар Умар Хаёмга тегишли ёки тегишли эмаслиги хакида эмас,*

балки Умар Хаёмники эмас, деб айтилаётган рубойилар мавзуси ва бошка мутафаккирларнинг шу каби рубойилари хакидадир. Биз шаркшунослик олигохида ўкиб юрган пайтимизда Умар Хаём, А. Навоий, Жомий, Хофиз Широзийларнинг баъзи рубойиларини кўлдан келганича тахлил килар ва шу билан бир каторда уларнинг хаёт ва ижодларини ўрганар эдик. Шунинг учун Умар Хаём аввалида математик ва астроном эканлигини ва у яратган календар хозирги замон техникаси билан хисоблаб тайёрланган календардан кичик бир фарк килишини яхши билар ва афсуски, кўпчиликка факат у рубойилари билан машхур эканлигини хам яхши тушунар эдик. Уларнинг асарларини тахлил килишдан мақсад А.Навоий «маъно ахли маънога, суврат ахли сувратга бокар», деб айтганидек суврат ахли бўлиб колмаслик эди.

Энди Сиз жавобингизда бу рубойилар, бошка шахслар, яъни унинг душманлари -ботинийлар томонидан Умар Хаём обрўсига путур етказиш учун ёзилган, деб таъкидлаб ўтгансиз ва шунингдек, бу рубойилар ислом душманлари орасида исломга путур етказиш учун таргиб этилган, ва эски совет империясида хам кенг таргиб килинди. Чунки «бу жамият дунёдаги энг ароқхўр жамият эди.....» деб ёзиб ўтгансиз ва бу рубойилар унга тегишли эмаслигини шу масала юзасидан ишлар олиб борган олимларнинг манбаларидан далиллар келтириб, таъкидлаб ўтгансиз.

Энди саволга келсак. Бизда ва Эронда Умар Хаёмники, деб талкин килиб келинган куйидаги рубойилар Умар Хаёмники эмас деб талкин килинаётган рубойилар тўпламида борми ёки йўқми? Йўқ бўлса, унда аник бу рубойилар уники бўлиб чикади ва агар бор бўлса, унда рубойиларга нисбатан берилаётган таснифни ўзгартиришга тўғри келади - сабаб: бу рубойилар асло муаллифнинг обрўсини тўкмайди. Чунки бирор бир инсонни бадном килиш ва обрўсини тўкиш учун унинг номидан ёмон асарлар, газаллар, рубойилар ва шеърлар ёзиш лозимдир. Энди мисолларга келайлик

**Май ичсам эгилиб колади тиззам,  
Ўйласам гуноҳ эмаску, саждаку бу хам.  
Азалдан биларди буни ўзи хак,  
Шаккоклик эмасми агар ичмасам?  
Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)**

Маъноси: Илму маърифат йўли огирлигидан тиззам эгилиб колади. Уйласам бу хам ибодатни бир куринишику, илм олмок фарз эканлигини азалдан хак таоло билар эди ва агар илмга маърифатга интилмасам шакоклик эмасми.

Шуни хам айтиб ўтиш керакки, май сўзини, рубойи мазмунига караб, тахлил килиш лозим. Чунки май деганда «хакикат майи» «ишк майи» «васл майи» «маърифат майи» тушуниш мумкин. Абдурахмон Жомий ўзининг «Лавомиъ» деган асарида май билан мухаббат орасидаги ўхшашликлардан унтасини баён килган. Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш хум ичидан ўзганинг таъсирисиз ўзидан-ўзи кайнаб, ўзининг кўрсатишга харакат килганидек, ошиклар кўнглидаги ишк хам ташки бир сабабсиз галаён килиб, зухур этишга интилади.

Иккинчиси, май хз зоти хаддида муайян бир шаклга эга эмас, кайси идишга куйилса, шу

идишнинг ички шаклини олади. Худди шунингдек, ишк Аслан мутлак бўлиб, унинг зухури мухаббат ахлининг қобилияти ва истеъдодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишкнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгил идишига боғлиқдир.

Учинчи ўхшашлик шундан иборатки, майнинг ҳам, ишкнинг ҳам сирояти ялпи жараёндан иборатдир. Май ошиқнинг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишк ҳам ошиқнинг қону жонига қириб, унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май узининг ичқувчисини, ишк севгучини марду сахий қилиб қуяди. Аммо май мати пулни аямаса, ишк масти жону жахонини, бору йугини бахшида қилади.

Бешинчи ўхшашлик, май ҳам, ишк ҳам кишини кўркмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишк шижоати хақиқат нурининг қолиблигидандир. Биринчиси, шахсни фалокату халокатга олиб боради, иккинчиси абадий хаёту саодатга бошқаради.

Олтинчиси, май ҳам, ишк ҳам киши бошидан қибру хавони ўчиради ва ниёзу тавозуга туширади. Бирок ичкиликнинг оқибати хорлигу разолатдир, пок ишк натижаси иззату шарофатдир.

Еттинчиси, май ҳам, ишк ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган хақиқату маърифат сирларини ишк юзага чиқарган.

Саққизинчиси, май ҳам, ишк ҳам кишини беҳуд қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва гафлатнинг энг тубан даражасидир, ишк беҳудлиги эса сезгирлик ва огохликнинг энг олий мартабасидир.

Тукқизинчиси, майпараст майни ичгани сари, яна кўпроқ ичқиси қелади, ишкпараст ҳам ишк дардига мубтало бўлган сари, яна ортиқроқ берила боради. Лекин ичқувчи борган сари, одамийлик қиёфасини йўқота боради, севгувчининг эса инсоний фазилатлари орта боради.

Унинчиси, май ҳам, ишк ҳам номусу хаё пардасини кўтаради. Бирок ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб, халққа озор беришдан уялмайди, севган эса узгалар учун ўзини хору зор қилишдан ор қилмайди. Демак, ишкнинг май билан ўхшаш жихатлари кўп, лекин оқибат жихатидан улар бир-бирига тамоман зид экан.

**Ўзни доно билган у уч-тўрт нодон**

**Эшак табиатин қилур намоён.**

**Булар суҳбатада сен ҳам эшак бўл,**

**Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон**

Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)

Маъноси: «Зикр ахлидан сўранг» китобчангизда Сиз ҳам баъзилар уни даҳрий, кофир деб ҳам эълон қилдилар, деб айтиб ўтган эдингиз ва бу рубоий ана шунга ухшаш аҳмоқларга қаратилган бўлиб, агар улар билан ҳамсуҳбат бўлганингда, ўз фикрингни очик баён этма, бўлмаса улар сени кофирга чиқаришади, деб огохлантормоқда.



**Дилим илмлардан махрум бўлмабди,  
Бир сир колмадики, мафхум бўлмабди.  
Туну кун ўйладим етмиш икки йил:  
Онгладим-ҳеч нарса маълум бўлмабди.**  
Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)

Маъноси: Биламизки, Умар Хаём милодий тахминан 1048 йилда тугилиб 1122 йилда оламдан ўтган. Яъни тахминий ҳисобларга кўра 74 йил умр кўрган. Бу буюк аллома яъни ориф инсон, ҳам диний ва ҳам дунёвий билимлар эгаси, инсоннинг билиш доираси чегараланганлигини ва инсон канчалар чуқур билим эгаси бўлгани сари шунчалар ожизлигини ҳис этишини такидлаб ўтмоқда.

**Май нодонга харому, донога ҳалол,  
Ким-ла, қачон ичмак мумкин, билиб ол.  
Шул уч масалани ҳал эта олсанг,  
Демак билимдонсан, сипкор бемалол.**  
Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)

Маъноси: Илм нодонга харом, донога еса ҳалол, чунки биламиз - илм ёмон ниятли кимсаларнинг кўлига тушса, у илмни албатта ўз манфаати йўлида ишлатиб кўп инсонларни бошга бало олиб келади.

(Динамитни кашф этган Нобель динамитни нафакат ўзининг моддий ахволини яхшилаш, балки инсон меҳнатини ҳам енгиллаштириш йўлида ўйлаб топган бўлиб, унинг бу кашфиёти ёмон ниятли кимсаларнинг кўлига тушганида кўпларнинг ёстигини ҳам қуритди, шунинг учун бўлса керак, ким инсоният манфаати йўлида бирор бир нарса ихтиро этса, унга бу ихтироси учун мукофот шаклида моддий рағбатлантириш учун ўз мол мулкани бир фонд шаклида қолдириб қетди ва шунингдек, героинни ўйлаб топган ноодам ҳам илми инсон, лекин унинг илми факат ёмонлик ва офат келтиради. Илмни айтиб ўтилган фикрларни назарда тутган ҳолда, кимдан қаерда олиш мумкинлигини билиб ол ва шуларни ҳал қила олсанг, демак сен тўғри йўлдасан ва ҳеч иккиланмай илм йўлида бўлгин дейилган.

**Муфтий, сендан кўра пуркоррокдирмиз  
Ўта маст бўлсак ҳам, хушёррокдирмиз  
Биз ток конинг ичамиз, сен одам конин  
Инсоф қил, қайсимиз хунхуррокдирмиз.**  
Умар Хаём (Ш.Шомухамедов таржимаси)

Маъноси: Эй, муфти сендан кўра инсонларга фойдаси тегадиган иш билан бандрокмиз Илму маърифат йўлида бўлсак ҳам, сендан кўра хушёррокдирмиз (яъни охиратни унутмаган холда) Биз илм- маърифат майини ичамиз, сен одам конин Ва инсофан айт кайси биримиз конхуррокдирмиз.

Бу мисолни ҳам бериб ўтишимдан сабаб, тарихда нафакат ислом оламида, балки христиан оламида ҳам, минг афсуслар бўлсин, кўпгина дин арбоблари салбий роль ўйнаб, илм-маърифат, дунёвий илмлар йўлини тусганлар ва бундан мақсад хур фикрликка йўл очмаслик ва шу оркали халкни оми колдириш тарафдори эдилар. Сабаб, халк канча оми бўлса, уни назорат қилиш ва асл исломдан йироқ бўлган мақсадларига эришиш шунча осон кечар эди. Жаноби пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в. «Илми керак бўлса, Хитойга бориб ўрганинглари, деб умматларига мурожаат қилганлар». Бу билан Хитойга бориб ислом илми ва менинг суннатларимни ўрганинглари, деганлари эмаску, ва бу дунёвий илмларни ўрганишга чакирик эди. Бу чакирикларга амал қилмаганлигимиз натижаси нималарга олиб келганлиги мендан кўра Сизга кўпроқ аёндыр. Албатта, бундай ходисалар христиан оламида ҳам руй бериб, Рим черкови томонидан ташкил этилган «инквизиция» черков таъломотига ўхшамаган ёки хур фикрлаганларини гулханда ёкган. Масалан астроном Джордано Бруно ва хозирда унинг хайкали Рим шаҳрига ўрнатилган. Шунингдек, поляк олими Коперник инквизиция сурогидан чикиб келиб, «Барибир у айланади!» деган эди. Ва сиз яхши билсангиз керак, Рим Папаси Иоанн Павел II чи узининг христиан оламига қилган мурожаатномасидан «инквизиция» хатолари учун Рим номидан кечирим сўраган эди. Энди рубойи мавзусига қайтсак, бу рубойи ана шундай дин арбобларга нисбатан айтилгандир. Чунки тарихдан маълум, Аббосийлар халифалиги даврида илм-маърифат чироги яркираб ёнди ва шу давр инерцияси билан яна бир-икки аср шуъла таратди ва сунди. Чунки, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ал Хоразимий, Умар Хаём, Замахшари ва шу каби кўпгина дунёвий илмларнинг тождорлари милодий XII асрларгача яшаб ўтишган. XIV асрда яшаган юрдошимиз Мирзо Улугбек қисмати ҳаммага маълум ва она заминимизда хурофот шу даражача етган эдики, хатто у қурдирган обсерватория харобага айлантирилди ва V аср инсонлар хотирасидан кўтарилди ва XX аср бошида рус совет олими Вяткин ушбу обсерваторияни очиб, дунёга танитди. Энди мавзуга қайтсак, агар бу рубойиларни Умар Хаём номини бадном қилиш учун айтилган десак, хато қиламиз, чунки бу рубойиларнинг мазмуни ожизона тахлилимизга кўра, обрўсини тўқиш урнига балки оширади ва унга нисбатан маъно ахли томонидан тасаннолар айтилади. Агар тушунмаганлар суврат ахли бўлса, бу рубойиларнинг муалифида Умар Хаёмми еки бошқами айб йўк, чунки у бошқалар каби тор доирада ўйлай олмас ва ички хис туйгуларини истиора (метафора) шаклида билдирар экан. Тўғри, унинг баъзи рубойилари ва савол юзага қелишига сабаб бўлган тўртликни ҳам талкин қилиб бериш жуда қийин масала ва агар уни тўғри тушунаётган бўлсак ҳам, ахир тафаккур юритадиган хар бир билим эгасида унинг илм даражаси ва қузатишлари натижасида ички галаёнлар, бир бирига зид ва турли ноанъанавий фикрлар (Ал Хоразимий ва Замахшарилар танқид қилинган ва қувгинга учраган муътазиллийлар йўлида эдиларку!) юзага қелиб туришини ва шунингдек, ожиз билимимизни шу рубойилар муаллифи билими билан бир тарозга қўйиб улчамаслик кераклигини унутмаслик лозим. Энди шу мавзуга ўхшаш бошка матафаккирларнинг шеъри услубда ёзилган фикрлари билан танишиб чиксак.

**Зоҳид сенга хуру менга жонона керак  
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.  
Майхона аро сокию паймона керак  
Паймона неча бўлса тўла яна керак.**

А. Навоий Маъноси: Зоҳид сен жаннат хурлари илинжида хотин ва бола чакадан кечасан ва хурлар сенга бўлсин, аммо менга эса ҳақ жалла жалолоҳунинг жамоли керак. (Жаноби пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в. ибодат уч турли бўлади. Биринчиси яратгувчидан бирор бир нарсани таъма килиб, иккинчиси ундан кўркиб, учинчиси эса уни севиб ва ибодатнинг аълоси уни севиб ибодат килишдир. Афсуски, биз деярли ҳамиша биринчи ва иккинчи турида ибодат киламиз ва жаннатни сўраб, хурларни ўйлаймиз, унинг жамолини кўриш эса энг катта муқофот эканлигини эса ҳаёлимизга ҳам келтира олмаймиз: сабаб - биз нафсимизнинг кулимиз).  
Жаннат сенга бўлсин, менга маърифат маркази керак Маърифат марказида илму маърифат таркатгувчи ва маърифат косаси керак Маърифат косаси канча бўлса яна шунчаси керак.

Бу ердаги тушуниш мушкулрок бўлган «жонона» сўзининг таснифини олайлик. Фалсафий шеърда «жонона» ёки «жонон» деганда борликнинг коинот ва ундаги мавжудотнинг узлуксиз ҳаракатини таъминлаб, бор килиб туриш сифати тушунилади ва биз имон келтирганлар бу сифат фақат Оллоҳгагина мансублигини эътироф этамиз.

**Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур  
Хар кимки, бу кун дунёда хушёр топилса  
Абдурахмон Жомий**

Маъноси: Гул давридан мурод яна уша умр баҳори, яъни кишининг илм урганиб, ҳунар эгаллайдиган ёшлик даври ва бода, яъни майдан мақсад маърифатдир. Бинобарин, бу байтни баҳорни ичкиликбозлик килиб кунгилни айнитиб, бошингни огритиб ўтказ, деб эмас, балки умрдан яхши ҳосил олиш учун унинг гул давридагидек гуллайдиган ҳосилга замин тайёрловчи ёшлик даврида ичкилик эмас, маърифат бодасини ич, кимки бу дунёда ичкилик тўфайли эс-хушини йўқотмаган бўлса-ю, ҳунар ўрганиб илм олиб ҳақиқат сирларини билишга интилиб, камолот ҳосил этишга ҳаракат қилмаса, уни ақлли киши деб бўлмайди.

**Алоё аййуха-с-сокий, адир каъсан ва новилхо  
Ки ишк аввал намуд осон, вале уфтод мушкулхо**

яъни: Кани, эй сокий, бир косани айлантириб, уни менга хам етказ, чунки ишк аввал осон кўришиб, кейин кийинчиликлар юз берди. Бу байтдаги сокийдан мурод маърифат таркатувчи кишидир. Косадан максад маърифатдир, ишк эса маърифат ишкидир. Бинобарин, бу байтнинг хакикий мазмуни шундай бўлади: Эй, маърифат ошиқларининг устози, маърифат идроки менга аввал осондек куринган эди, аммо бунинг кўпгина кийинчиликлари чикиб, менинг унга бўлган ишкимни сусайтирмоқда. Шунинг учун сен даврангга йигилган шогирдларингни, жумладан, мени, маърифат сирларидан бир озгина огох килиб, совийтган кўнглимизни киздиргин. Шунингдек, Абдурахмон Жомий «Эй бодапарастан дар-и майхона кужо аст», яъни «Эй майпарастрлар, майхонанинг эшиги каерда», бу дегани эй маърифат истагувчилар маърифат уйининг эшиги каерда деган маънони билдиради ва Навоийнинг «Коффермен агар килмасам ошом кадах» каби мурожаати эса кофирман, агар хар кеча маърифат косасидан сипкирмасам, деган маънони билдиради. Юкорида бериб ўтилган баъзи рубойлар, байтлар ва майнинг истиора маънолари академик олим Алибек Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» номли одобнома китобчасида чиройли килиб тушунтириб берилган ва бу китобча 1987 йили «Ёш гвардия» нашриёти томонидан чоп этилган. Демак, совет даврида хам, маъно ахли юкорида бериб ўтилган рубойлар ва байтлар мазмунини аниқ талкин килиб, китобхонларга тақдим этишга харакат килишган. Бу билан совет даврида факат кадах кўтариш учун бу рубойлар босиб чиқарилган ва фойдаланилган десак хато киламиз, чунки маъно ахли совет даврида хам бу ижодларнинг асл маъноларини тушунар ва тушунтиришга харакат килар эдилар. Суврат ахли бўлиб бу ижодлардан ўринсиз фойдаланганлар эса ўзларига зарар килганлар. Мен аминман, Сизнинг мухлисларингиз жуда хам кўп бўлиб, мен хам улардан бириман. Балки мен шошиб, бу хакида ёзган тўлик маълумотингизни ўкимай туриб, саволлар билан мурожаат килаётгандирман, аммо совет даврида илм йўлида бўлган олимларнинг шархларини унутсак, уларга нисбатан хам адолатсизлик бўлар эди. Шунингдек, Умар Хаймники эмас, деб талкин килинаётган рубойларни тушуниш учун тайергарлик кераклиги, чунки адабиётда баъзи фалсафий фикрлар истиора (метафора), яъни бошка нарсалар билан кўчма маънода берилишини айтиб ўтиш лозим. Сабаб, кўп инсонлар «Зикр ахлдан сўранг» китобчангизни ўкиб, адабиётдан узок бўлганликлари учун умуман бошкача кабул килиб, ушбу тупламдаги хамма рубойлар бемаъни эканлигини, чунки Шайх жаноблари шундай демокдалар дейишаётганини куриб, ташвиш тортдим ва ушбу хатимни ёздим. Эътиборингиз ва жавобингиз учун рахмат.

**Жавоб:**

Ассалому алайкум Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Аввало сизни асл номингизни билмаганим учун шаркшунос деб атаганим учун кечирим сўрайман.

Ўзингизнинг танитишни истамаётганингизнинг сабаби мен учун номаълум. Аввал ҳам бир неча саҳифада ушбу мактубни уйимга юборган эдингиз. Унда ҳам номнингиз йўқ эди. Мен ёзувингизни ўқиб номи шарифингиз йўқлигидан ажабландим. Жавобни кимга йўллашни билмай қийналдим. Оила аъзоларимдан сўраб ҳам мактубнинг эгаси ёки келтирувчисини топа олмай хуноб бўлдим.

Бу саҳифага эътирозингизни йўллаб яхши қилибсиз. Афтидан масала сизнинг хаёт мамот ишингизга айланиб қолганга ўхшайди. Лекин ўзингизнинг кимлигингизнинг яшириш ундан ҳам муҳим шекилли. Сизнинг бу масаладаги тушунчангиз бизга номаълум. Аммо бизнинг тушунчада тортишаётган одамдан кимлигини яшириш яхши эмас. Аслида сизга ўхшаш номи йўқ жанобларга жавоб берилмайди. Аммо шундай бўлса ҳам бир неча эътиборлар борлиги учун қискача жавоб беришга, Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолда, ҳаракат қиламан.

Менимча, сиз «Зикр аҳлидан сўранг»даги ўзингиз эътироз билдираётган мавзуни нима сабабдан ва қандай асосда ёзилганини тушуниб етмаган қўринасиз. Сиз мени ўзингиз мисол тариқасида келтириб шарҳлаган шеърларни истиора ва бошқа бунга оид нарсаларни билмаганим учун Умар Хайёмники эмас дейишлиқда айбламоқдасиз. Буни ҳам бир ёққа қўйиб енгил тарафини оладиган бўлсак, ўша нарсаларни билмайдиган одамларда нотўғри тасаввур ҳосил қилишда айбалоқдасиз.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Сиз ўзингиз шарқлик бўла туриб гарблиқлардан уларнинг қоида, услуби ва дунёқараши асосида ўрганган нарсангизни биз аслимизни тутган ҳолда асл қоида, услуб ва эътиқод асосида ўрганганмиз. Бунга сиз мен билан тортишаётган масалага оид бўлган масалага боғлиқ нарсалар, араб тили ҳам, Ислоҳ дини ҳам, тасаввуф ҳам, ақоид илми ҳам, тарих ҳам ва ўтганларнинг асарларини ўрганиш ҳам қиради. Шунинг учун Аллоҳ бизга мазкур байтлар хақида сиз билмаган нарсаларни ҳам билдирган.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Мен ёзган нарсаларингизни бирма бир таҳлил ва танқид қилмоқчи эмасман. Бунга имқоним бўлса ҳам, вақтим йўқ. Лекин фақат бош масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Мен мазкур байтлар Умар Хайём раҳматуллоҳи алайҳига тегишли эмаслигига илмий асосдаги манбаларга суянган ҳолда очик – ойдин далиллар келтирган эдим. Сиз бўлса, шеърнинг байтларидан унинг кимники экани хақида ҳукм чиқармоқдасиз. Бу илмий қоидага тўғри қелади?

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Сиз мазкур рубойлар Умар Хайёмники деган даъво қиладиган бўлсангиз, аниқ далил ва ҳужжат билан уларни у кишининг оғзидан эшитган ёки ёзган қўлёзмасини авлоддан авлодга ўтказиб қелган адолатли кишиларнинг гувоҳлигини келтиришингиз ва бошқа бир қанча талабларга жавоб беришингиз керак бўлади. Буни сиз ҳам, бошқалар ҳам қила олмайсизлар.

Ақсинча, мазкур рубойлар Умар Хайёмники эмаслигини Муббашир Тарозий раҳматуллоҳи алайҳи илмий асосда исбот қилиб ва ўзини билганларни тан олдириб қўйганлар. У кишига қилган бу савобли ишлари ўша пайтда қўзга қўринган мусулмон арбоблар, жумладан, доктор Абдулвахҳоб Аззом, Миср муфтийси ва қатта уламолар жамоаси аъзоси Ҳасанайни Муҳаммад Махлуф ҳазратлари ва бошқалар ташақкур мактублари ёзганлар. Мазкур матнлар Муббашир Тарозий раҳматуллоҳи алайҳининг китоблари охирида келтирилган.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Муббашир Тарозий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг мазкур китобларида Умар Хайём тирик пайтида шеър айтмагани,

вафотидан кейин ҳам рубойилар хакида гап бўлмагани, булар ботинийлар авж олганда пайдо бўлгани, мазкур рубойиларни сони хакида ҳам ихтилоф борлиги каби кўплаб маълумотларни эринмай тахлил қилганлар. Сиз ҳам ўзингиздаги нухани олиб ким, қачон, қаерда, кимдан таржима қилганини. Асл нуха қаерда эканини ва бошка шунга ўхшаш илмий маълумотларни ўрганиб чиқинг. Эҳтимол ўз фикрингизга далил топиб ўша рубойиларни Умар Хайём раҳматуллоҳи алайҳи каламига мансублигини исбот қиларсиз.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Сиз мактаётган замонда рубойилар нима ниятда нашр ва тарғиб қилинган эди? Кишиларни Аллохнинг динига ва мухаббатига чақириш учунми? Таквога, ибодатга, зикрга, халолликка, арокхўрликдан юз ўгиришгами? Ёки аксинчани?

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Ботинийларнинг иши шундай бўлади. Икки тарафлама маънони ифода қилувчи гапларни ёки таквога оид гапларини келтириб туриб уларнинг ичига қуфр, ширк ва нифокни киритиб қўядилар. Бошқача қилиб айтганда, захарни асалга ўраб тақдим қиладилар. Сиз келтираётган байтлар икки тарафлама маъноли эканини ўзингиз эътироф қилмоқдасиз ва уни ботиний маъносини шарҳини ҳам келтиришга мажбур бўлмоқдасиз. Биз ҳам сизга қўшилиб одамларга истиора ва бошка қоида ҳамда сир асрорларни тушунтириб байтларни англантишга ҳаракат қилишга тайёрмиз. Аммо бу борада сиз билан биз катта муаммога дуч келамиз. Рубойилар ичида сиз билан биз қанчалар уринмасак ҳам маъносини бошка тарафга буриб бўлмайдиганлари чиқиб қолади.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Бу фикрнинг далили учун сизнинг ташвишга солган маълумотни эълон қилишга мажбур қилган саволдаги байтнинг келтириш билан қифояланишга ижозат бергайсиз.

**Азалдан лойимни корганда худо  
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.  
Хукмидан ташқари эмас гуноҳим  
Хўш, нечун махшарда беради жазо?**

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Бунисига нима дейсиз? Қазои қадарга бўлган қомил иймон дейсизми? Ёки Аллохнинг илми чексизлиги ва унинг бандани мажбурлашга даҳли йўқлигига ишонч деб айтасизми? Ёхуд Аллохнинг иродасига таслим бўлиш деб баҳолайсизми?

Аммо аҳли Исломланинг барчаси; аввалгисини кейингисини, ақоид илми бобоқалонлари, фақиҳлар, муҳаддислар, муфассирлар, оқию қораси барча барчаси буни бир овоздан бу бутун оламга татийдиган қуфр, ширк, ноқадрилик, қазои қадарни инқор қилишлик, Аллохнинг илми чексизлигини тан олмаслик, Оқил Аллохнинг адолатсиз деб айблаш ва қуфрнинг бошларидан бири бўлган жабрият мазҳаби деб айтадилар.

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Мўмин – мусулмонларнинг барча уламолар жумҳури миллионга ақийдага мос байтнинг ичида битта шу каби шаккоқ байтни топса унинг эгасининг иймонида шубҳага тушадилар. Сиз нима қиласиз?

Мухтарам номи номаълум шарқшунос жаноблари! Мўмин – мусулмонлар Умар Хайём

рахматуллохи алайхини соф акийдали, такводор зот бўлган, у киши бу каби гапларни айтиши мумкин эмас дейдилар. Сиз нима дейсиз? Жавоб беришдан олдин яхшилаб ўйланг, аввал айтганларингизга тескари гапириб кўйманг.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Менинг сизни ташвишга солган маълумотларни такдим қилишга чорлаган нарса ушбу ва бунга ўхшаш бошка байтлар туфайли Умар Хайём рахматуллохи алайхига кўйилган ва кўйилаётган айбларни рад этиш эди. Истиора ва бошка гапларнинг ўз ўрни бор эди. Саволга яраша жавоб берган эдим. Сиз гапни бошка ёкка бурибсиз.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Сизнинг ёзганларингизни бирма бир жавобини берганимда, номи шарифингизни яшириб чора тадбир кўрган бўлсангиз ҳам, ўзингиздан ўзингиз уялиб колар эдингиз, иншааллох. Лекин бир гапни айтмай ўтсам бўлмайдиганга ўхшайди.

Сиз «...тарихда нафакат ислом оламида, балки христиан оламида ҳам, минг афсуслар бўлсин, кўпгина дин арбоблари салбий роль ўйнаб, илм-маърифат, дунёвий илмлар йўлини тўсганлар ва бундан максад хур фикрликка йўл очмаслик ва шу оркали халкни оми колдириш тарафдори эдилар» дебсиз.

Каранг, олдин ислом оламини айтиб кейин христиан оламини ҳам иккинчи даражали килиб кўшибсиз. Кўпгина мусулмон дин арбобларининг илм – маърифатга карши жиноятларига Мирзо Улугбек рахматуллохи алайхининг фожеасини мисол келтирибсиз. Аммо аввалги шўро давридаги каби Улугбекни Хўжа Ахрор номли диний реакцион жохил шахс ўлдирган демабсиз. Чунки энди бу гапни айта олмайсиз. Сир фош бўлган. Улугбек ва унинг расадхонаси исломдан узоклашган сиёсатчиларнинг қурбони бўлган.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Сиз тарозининг палласини тенглаштириш ниятида иккинчи ўринган сураётган христиан оламидаги каби Ислом оламида дин томонидан «тафтиш махкамалари» тузилиб дунёвий илм сохибларини жодудан ўтказиш, ўтга ёкиш, анвойи азобларга солиб катл қилиш ҳолатлари бўлмаган. Агар бу каби ишларни бўлгани хакида умумий гаплардан ҳужжат ва дилилингиз бўлса таҳлил қилишимиз мумкин.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Сиз айблашда Ислом оламидан кейинги ўринга кўйганингиз христиан оламидаги «тафтиш махкамалари» ва улар оркали амалга оширилган ишлар ҳам айнан сиз коралаётган мусулмон дин арбоблари раҳбарлигида Овропада саккиз юз йил илм – маърифат, фан ва маданият нуруни таратган Андалус Ислом давлатига бориб таълим кўриб келган христиан маърифатпарварларига карши иш сифатида бошланганини ҳам ёдингизга солиб кўйишга ижозат бергайсиз.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Ислом ва мусулмон дин арбобларни коммунистик мафқуранинг иши давом эттириб дунёвий илмга каршилиқда, хур фикрликка йўл очмасликда ва шу оркали халкни оми колдириш каби айбларда айблаш бугунга келиб сийкаси чиккан сафсатага айланиб колганини ҳам сизга эслатиб кўймокка ижозат бергайсиз.

Мухтарам номи номаълум шаркшунос жаноблари! Сизга ташаккурлар изхор қилишга ижозат бергайсиз. Шу билан бирга ёкмаган гаплар айтилган бўлса маъзур тутгайсиз. Сизнинг шаркшуносликдан бошка сифатингизни билмаганим учун шундай мурожат ва муомала қилганимни айбга буюрмайсиз. Келажакда номи шарифингизни яширмасиз деган умидда бўлишга рухсат сўраймиз.

Сизга камоли эхтиром ила:

Факир ва Роббисининг афвига мухтож банда **Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф**